



Давлат иштирокидаги реал сектор корхоналарида молиявий бошқарув ва хусусийлаштириш босқичлари

Исламкулов Алимназар Худжамуратович
и.ф.д., Тошкент молия институти Илмий ишилар ва инновациялар бўйича
проректор

Ибрагимов Сирожиддин Баходирович
"ARTEL" компанияси "QUALITY ELECTRONICS" корхонаси
"Материаллар ҳисоби" бўлими бошлиги

Аннотация: Давлат иштирокидаги реал сектор корхоналарининг молиявий бошқаруви - мақсад, режалаштириши, кадрлар масаласи, пул оқимини тўғри йўналтириши, жойлаштириши, имтиёзлардан фойдаланиши, ишлаб чиқаришни узлуксизнигини таъминлаши ва жами ресурслардан оқилона тарзда максимал фойдаланишини тақозо этишини билдиради.

Калит сўзлар: мақсад, молиявий ресурслар, режалаштириши, жойлаштириши, пул оқими, ресурслар, кадрлар масаласи, хўжалик жамиятлари.

Мавзунинг долзарблиги: Мамлакатимиз бозор иқтисодиёти шароитида давлат иштирокидаги реал сектори корхоналари фаолиятини мувофиқлаштириш орқали, тактик режалаштириши амалга ошириш бир йилдан беш йилгача муддатни ўз ичига олиб, бунда асосий эътибор жорий даврда маълум бир стратегик вазифани бажаришга қаратилган. Зотан, давлат иштирокидаги реал сектори корхоналарни молиявий ресурсларини бошқариш стратегик режалаштириши кўллаб-куватлашга хизмат қиласди.

Тадқиқотнинг мақсади: Давлат иштирокидаги реал сектор корхоналарида молиявий бошқарув ва хусусийлаштириш босқичларини амалга ошириш.

Ўрганиш обьекти: Давлат иштирокидаги реал сектор корхоналари.

Ўрганиш мавзуси: Давлат иштирокидаги реал сектор корхоналарида молиявий бошқарув ва хусусийлаштириш босқичлари.

Давлат улушидаги реал сектор корхоналарида молиявий бошқарув негизида ўлароқ, асосий масштабга эга давлат корхоналарини трансформация қилишни жадаллаштириш, хусусийлаштириш, шунингдек иқтисодиётда давлат иштирокини қисқартириш, таркибий тузилмаларни қайта ташкил этишнинг устувор йўналишлари ҳисобланади.

Бу борада 2021-2025 йилларда давлат иштирокидаги корхоналарни бошқариш ва ислоҳ қилиш стратегиясини тасдиқлаш тўғрисида Ўзбекистон Республикаси Президентининг «2017 — 2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясини «Ёшларни кўллаб-куватлаш ва аҳоли саломатлигини мустаҳкамлаш йили»да амалга оширишга оид давлат дастури тўғрисида» 2021 йил 3 февралдаги ПФ-6155-сон ҳамда «Давлат иштирокидаги корхоналарни ислоҳ қилишни жадаллаштириш ҳамда давлат активларини хусусийлаштиришга оид чора-



тадбирлар тўғрисида» 2020 йил 27 октябрдаги ПФ-6096-сон Фармонлари ижросини таъминлаш, шунингдек, устав капиталида давлат улуши 50 фоиз ва ундан ортиқ бўлган хўжалик жамиятлари ва давлат унитар корхоналари фаолиятининг самарадорлигини янада ошириш, иқтисодиётда давлат иштирокини асосланган даражагача қисқартириш ва инвестиция муҳитини тубдан яхшилаш мақсадида Вазирлар Маҳкамаси қарори қабул қилинди.

Унга кўра:

2021 — 2025 йилларда давлат иштирокидаги корхоналарни бошқариш ва ислоҳ қилиш стратегиясини 2021-2022 йилларда амалга ошириш бўйича «йўл харитаси» тузиш;

2021 — 2025 йилларда давлат иштирокидаги корхоналарни бошқариш ва ислоҳ қилиш стратегиясини амалга ошириш бўйича мақсадли кўрсаткичлар;

давлат мулкини бошқариш ва хусусийлаштириш тўғрисидаги қонунчилик хужжатларини оптималлаштириш, тизимлаштириш ва бирхиллаштириш орқали тўғридан-тўғри амал қиласиган қонунларга жамлашни назарда тутувчи қонунчилик хужжатларини янада такомиллаштириш;

устав капиталида давлат улуши 50 фоиз ва ундан ортиқ бўлган хўжалик жамиятлари ва давлат унитар корхоналарининг (кейинги ўринларда — давлат иштирокидаги корхоналар) етарли даражада асослантирмасдан ташкил этилишига, шунингдек, тегишли тармоқ ва соҳалардаги бошқа корхоналарга нисбатан эксклюзив имтиёз ва афзалликларга эга бўлишига йўл қўймаслик;

хусусий сектор муваффақиятли фаолият кўрсатаётган ва рақобат ривожланган соҳаларда давлат иштирокини чеклаш, «сот ёки тушунтири» тамойилини амалиётга кенг жорий этиш; давлат иштирокидаги корхоналарнинг бозор шароитларига тўлиқ ўтишини таъминлаш, уларнинг фаолиятига корпоратив бошқарувнинг замонавий услубларини тўлақонли татбиқ этиш;

ижро этувчи орган фаолиятини самарадорликнинг муҳим кўрсаткичлари асосида, кузатув кенгаши фаолиятини эса корпоратив бошқарув тамойилларининг жорий этилиши даражасига қараб баҳолашга ўтиш;

давлат иштирокидаги корхоналар фаолияти тўғрисидаги ахборотларни ошкор этиш, корхоналарни бошқаришда шаффоффлик ва маълумотларнинг ошкор этилишини таъминлаш;

илгор хорижий тажриба ва хорижий таълим муассасалари билан корпоратив бошқарув ҳамда капитал бозори соҳасида ҳамкорлик асосида аҳолининг молиявий саводхонлигини ошириш каби устувор вазифалар белгиланган.

Ҳозирги пайтда деярли ҳар бир давлат органи ва маҳаллий ҳокимият органлари корхоналарнинг муассислари ҳисобланишини мисол тариқасида таъкидлаб ўтмоқчиман. Давлат иштирокидаги корхоналарнинг кўпчилиги фаолияти самарали бўлмаяпти, бу эса давлат яхши менежер бўла олмаслигининг яна бир тасдиғидир¹.

— 2025 йилга қадар босқичма-босқич давлат корхоналари сонининг 75%и қисқартирилади. Молия вазирлиги билан биргаликда 20 та давлат корхонасининг («Ўзметкомбинат» АЖ, «АКМК» АЖ, «Ўзмиллийбанк» АЖ, «Ўзбекнефтгаз» АЖ, «Халқ банки» АҚ, «Ўзагросуғурта» АЖ, «НКМК» АЖ, «Ўзавтосаноат» АЖ ва бошқалар) акциялари бирламчи (IPO) ва иккиламчи (SPO) оммавий таклиф этиш орқали сотиш учун жойлаштирилиши таъминланади.

Реал секторда давлатнинг иштироки ҳозирда 55%ни ташкил этади. Масалан, Жанубий Кореяда ушбу кўрсаткич 22%ни, Германияда – 18%ни, АҚШда – 11%ни ва Японияда – 5%ни ташкил этади.

Мустақиллик йилларида 33,0 мингдан зиёд давлат корхоналари ва обьектлари хусусийлаштирилди.

Бугунги кунда республикамизда 2 692 та давлат иштирокидаги тижорат ташкилотлари, шундан 1 133 та давлат унитар корхонаси, 1 124 та масъулияти чекланган жамияти ва 241



**2023: International Conference on
"Academic Integrity and Lifelong Learning" (France)**
<https://www.openconference.us/index.php/academic/issue/view/14>

та акциядорлик жамияти иқтисодиётнинг турли соҳаларида фаолият кўрсатади. Республикадаги мавжуд 599 та акциядорлик жамиятларидан 42 фоизида давлат улуши бўлиб, жами акцияларнинг 84 фоизи давлатга тегишли, аҳолининг атиги 2 фоизидан ортиғи акцияларга эгалик қиласди.

2017 йилдан бошлаб иқтисодиётда давлат иштирокини қисқартириш, давлат иштирокидаги корхоналарда замонавий корпоратив бошқарув тамойилларини жорий этиш, хусусий мулкнинг устувор ролини ошириш ва уни ишончли ҳимоя қилишга қаратилган комплекс чора-тадбирлар тасдиқланди.

Хусусан, фуқаро авиацияси, энергетика тармоғида, кон-металлургия ва электротехника саноатида, йўл қурилиш соҳасида, қурилиш материаллари, қишлоқ хўжалиги ва иқтисодиётнинг бошқа тармоқларида таркибий ўзгаришлар амалга оширилмоқда.

Шу ўринда, Иқтисодий ҳамкорлик ва ривожланиш ташкилоти тамойиллари асосида ишлаб чиқилган Давлат иштирокидаги корхоналар учун корпоратив бошқарув қоидалари давлат иштирокидаги 114 та корхонага жорий этилди ва 27 та корхона раҳбарларини танлов асосида сайлаш (тайинлаш) амалиёти бошланди.

Бундан ташқари яқин йилларда кон-металлургия ва геология соҳаси бўйича давлат иштирокидаги янги корхоналар ташкил этилди:

а) Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020-йил 6 марта ПҚ-4629-сон “Навоий кон-металлургия комбинати” давлат корхонасини ислоҳ қилиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2020 йил 31 марта 170 – сон қарорларига асосан, “Навоий КМК” ДК ислоҳ қилиб, табиий уран ва нодир металларни қазиб олиш бўйича – “Навоијоран” давлат корхонаси, қимматбаҳо металларни қазиб олевчи ва ишлаб чиқарувчи “Навоий КМК” акциядорлик жамияти ва “НКМК жамғармаси” давлат муассасаси таъсис этилди.

б) Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021-йил 21 апрелдаги ПҚ-5083-сон “Геология соҳасига инвестицияларни фаол жалб этиш, тармок корхоналарини трансформация қилиш ва республика минерал-хом ашё базасини кенгайтириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги қарорига асосан, Давлат геология қўмитасининг геология соҳаси тизимида республика минерал-хом ашё базасини ривожлантириш ва қайта тиклаш давлат дастурлари доирасида геология-қидирув ишлари бўйича хизмат кўрсатувчи алоҳида юридик шахс мақомига эга бўлган “Ўзбек геология қидирув” АЖ ташкил этилди.

Юқорида қайд фикрлардан келиб чиқиб, давлат иштирокидаги реал сектор корхоналарини ривожлантириш ва самарадорлигини оширишни асосий манбаси молиявий ресурсларини бошқариш - аниқ мақсад, стратегик режалаштириш, кадрлар масаласи, пул оқимини тўғри йўналтириш-жойлаштириш, имтиёзлардан самарали фойдаланиш, ишлаб чиқаришни узлуксизнигини таъминлаш орқали жами ресурслардан оқилона тарзда максимал фойдаланиш ва босқичма-босқич хусусийлаштиришни тақозо этишини билдиради.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев «Давлат иштирокидаги корхоналарни ислоҳ қилишни жадаллаштириш ҳамда давлат активларини хусусийлаштиришга оид чора-тадбирлар тўғрисида» 2020 йил 27 октябрдаги ПФ-6096-сон фармони.
2. Ван Хорн Дж.К., Вахович Дж.М. Основы финансового менеджмента 11-е издание. Москва-СанктПетербург-Киев.Издательский дом «Вильямс». 2004 - 988 стр.;
3. Шаҳаъзамий Ш.Ш. Корпоратив сиёsat. Дарслик-Т.: Иқтисод- молия, 2007.
4. Бутиков И.Л. Қимматли қоғозлар бозори. Дарслик-Т.: Консаудитинформ, 2001.
5. Интернет сайтлари. www.mf.uz , www.stat.uz , www.mineconomy.uz